

# YOSHLAR OVOZI

*Biz — kelajak bunyodkorimiz!*

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## MUNOSABAT

### МУНОСИБ БЎЛИШ ВАҚТИ ЕТДИ

Бугун мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар олдига кенг имкониятлар эшиклари очилди.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, ҳозирги ёшлар бизнесга жуда қизиқсади. Юртимизда қўлай ишбилармонлик муҳитининг мавжудлиги эса, уларга қанот бўлаётди. Шунинг натижаси ўлароқ, тадбиркорларимиз сифати ва харидорлик рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, нафақат маҳаллий, балки жаҳон бозорига етказиб беришга интиляпти.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 27 июнь кунини имзоланган "Yoshlar — kelajagimiz" Davlat dasturi тўғрисидаги фармон ўзбекистонлик ёшлар

учун ажойиб тўхфа бўлди. Уни барчамиз мамнуният ила қарши олдик. Тан олайлик, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ўғил-қизлар бир қанча муаммоларга дуч келаётгани бор гап.

Юқоридаги фармонда ҳам шу жиҳатга эътибор берилган. Таъкидланадики, "...ёшлар тадбиркорлигини комплекс ривожлантириш ва ёшларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга фаол жалб қилиш бўйича жойларда мақсадли дастурлар амалга оширишга қўлай шарт-шароитлар яратилмаган".

Хужжатда белгиланган чора-тадбирлар юзасидан тенгдошларимизнинг фикрини ўрганиш, улар дастур мазмун-моҳиятидан нечоғлиқ хабардорлигини билиш мақсадида Богот туманидаги Ёшлар марказига бордик. Бу ерда бир гуруҳ йигит-қизларни

суҳбатга тортдик.

— Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси, туман ва шаҳарларда эса, унинг филиаллари ташкил этилганини эшитиб, жуда қувондим. Ахир, эндиликда жамғарма маблағлари ҳисобидан ёшларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоизлик ставкада имтиёзли кредитлар ажратилади. Техникани лизингга олишда ҳам кўмаклашади. Ёш тадбиркорлар учун "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини қуришга доир ташаббус ҳам ниҳоятда долзарб ва аҳамиятлидир, — дейди Иттифокнинг туман кенгаши раиси Отажон Матниёзов.

— Академик лицейда тахсил оламан, — дейди "Оқтепа" маҳалласи

фуқароси Сўғдиёна Абдуллаева. — Ўқишдан бўш пайтда ҳамда таътил кунларида тикувчилик билан шуғулланаман. Онам бу ҳаракатимни қўллаб-қувватлайди. Келгусида турли соҳа ходимлари учун махсус кийимлар, шунингдек, кўрпа, ёстиқ жилдлари ва чойшаблар ишлаб чиқаришни ният қилганман. Яқиндагина қабул қилинган "Yoshlar — kelajagimiz" Davlat dasturini минг бир ҳаяжон ва умид билан ўқиб чиқдим. Унда мен каби бизнесга қадам қўяётган ёшларнинг хоҳиш-истаклари ҳамда манфаатлари ифода этилгани айтиш мумкин. Бундай кўмак ва ғамхўрлик асосида тараққиёт сари янада илдам қадам ташлаймиз, албатта.

Ишонамизки, ёшлар яратилаётган шароити тақдим этилган имтиёزلардан унумли фойдаланиб, давлат ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўша олади. Ило, муносиб бўлиш вақти етди!

Шоҳрух ИБДУЛЛАЕВ

## "YOSHLAR — KELAJAGIMIZ" DAVLAT DASTURI — AMALDA

### КЎРИЛГАНДАН КЎНГИЛ ТЎҚ

Ёшлар ижод саройида "Yoshlar — kelajagimiz" Davlat dasturi ижросига бағишланган республика ўқув-семинари ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев, Ўзбекистон Республикаси бош прокурори Отабек Муродов, вилоятлардан ташриф буюрган 670 нафар делегат иштирок этди.

Лойиҳа иштирокчилари — вилоят прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимлар ҳамда ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ёшлар сиёсатига масъул ўринбосарлари, шунингдек, Иттифокнинг ҳудудий кенгашлари раислари Чилонзор ва



Кўйи Чирчиқ туманларига йўл олиб, хужжатда белгиланган вазифаларни қай йўсинда амалга ошириш кераклиги ҳақида бафуржа маълумот олди. Кичик сафар Кўйи Чирчиқ тумани "Мингчинор" маҳалласи ҳудудида қад ростлаган "Ёшлар меҳнат гузари" билан танишувдан

хизматлар кўрсатишга ихтисослашган шохобчаларни бирма-бир кўздан кечирди.

— Гузарнинг эгаси асида тўйхона қурмоқчи эди, — дейди Иттифокнинг Тошкент вилояти кенгаши раиси Дониёр Каримов. — Унга "Yoshlar — kelajagimiz" Davlat dasturi мазмун-моҳияти тушунтирилган, фикри узгарди. Кўриб турганимиздек, бу ерда ёшлар учун барча қўлайликлар мўҳраё этилган. Асосийси, 65 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Лекин бу бошланиши холос.

— Ёшим 27 да. Анча вақт бекорчи бўлиб юргандим, — дейди Баҳодир Шукуров. — Янги гузар очилган, автомобилларни таъмирлаш шохобчасига ишга кирдим. Биз ҳақимизда қайғуриб, жон қуйдираётган барча мутасаддилардан чексиз миннатдорман.

(Давоми 2-саҳифада)

## TASHABBUS

### ҲАР МАҲАЛЛАГА БИТТАДАН КУТУБУХОНА



Китоб ўқиган инсон элда кам бўлмайди. Аксинча, маънавияти бойиши баробарида

қадрли ҳам юксалиши турган гап. Шу сабаб юртимизда китобхонликни оммалаштиришга зўр

этибор берилаётди. Наманган вилоятининг Норин туманида бўлди. Эртамиз эгалари таълим-тарбиясига бефарқ бўлмаган кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда бир қанча жамоат ташкилотларининг умумий саяё-ҳаракати билан бир ҳафтага қолмай мазкур ҳудуддаги унта маҳаллада кутубхоналар ташкил этилди. Уларга вилоят ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Хотин-қизлар кўмитаси, Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқаруви томонидан жамланган 4 мингга яқин бадий асарлар, рисолалар, қўланмалар ва бошқа турдаги китоблар бепул тақдим этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

### 2 МИНГДАН Ортиқ ИШ Ўрни ва 1,8 МИЛЛИАРД СЎМЛИК СЕРТИФИКАТЛАР

### ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ: ТАНГАНИНГ ИККИ ТОМОНИГА НАЗАР

3

4

### ESHITINGIZMI? АКТЁРИМИЗ ЭНГ ЯХШИ

Кинематографияни ривожлантириш маркази ҳамда Ёш киноижодкорлар кенгаши вакиллари билан иборат делегациямиз Остона шаҳрида ўтказилган "Евразия" халқаро кинофестивалида иштирок этиб қайтди. Нуфузли анжуман доирасида Рашид Маликовнинг "Сабот", Жаҳонгир Қосимовнинг "Назира" бадий фильмлари ҳамда Ёш кинорежиссёрлар — Абдуазим Илҳомжонов ва Ботир Абдурахмонов суратга олган "Мама" қисқа метражли картинаси намойиш этилди.

Айниқса, "Назира" томошабинларда катта таассурот қолдирди. Фестиваль иштирокчилари фильм юзасидан фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашар экан, унда ўзбекча урф-одат, анъана ва қадриятлар замонавий руҳда талқин этилганини алоҳида қайд этди. Бу йилги "Евразия" биз учун ростмана омадли келди. "Сабот" фильмида Сейдулла родини қойилмақом ижро этган Карим Мирҳодиев "Энг яхши эркак роли" номинациясида ғолиб топилди. Шу билан бирга, фестиваль

UZBEKISTAN



ҳамда "Евразия" кинофестивали дирекциялари ўртасида ҳамкорлик

янада мустақамлаш ва янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. **Ойбек АБДУШУКУРОВ**, Республика ёш киноижодкорлар маркази директори

## DO`STLIK KO`PRIGI

### БИЗДАН САЛОМ БЎЛСИН ЎЗБЕК ЭЛИГА!

Туркменистон Республикаси делегацияси Хоразм вилоятига ташриф буюрди

### УЛМИ ҲОВЛИ

"Улми ҳовли" — улут ҳовли. Синопта тўлиғ ҳовли. Ёруғ кунга келдинг етиб, Ёе суронлар кўриб ҳовли.

Баяринг неча нурхонадур. Нақши инжа гулхонадур. Лойсувоқ дсворларда, Тарихлар уйғонадур.

"Улми ҳовли" — улут ҳовли. Қадриятга тўлиғ ҳовли. Ёруғ кунга келдинг етиб, Ёе суронлар кўриб ҳовли.

Ўтовинга киш келмағай, Бошинга бойқуш келмағай, Лунаридан давлат топган, Элюртпим нолиш билмағай.

Устунларинг чин гувоҳлар, Ким топтаган, ким ардоқлар, Боболарим шод айлағай, Дўстлар ёққан бу чироклар.

Она ваъиним боласи, Ким чечягу, ким лоласи, Дўстлик куйин куйла мангу, Кўхна туркманнинг қалъаси

"Улми ҳовли" — улут ҳовли, Қадриятга тўлиғ ҳовли, Улут воялар қадамидан, Топажаксен доврўғ ҳовли.

**Нолира ЯНГИБОВЕВА**  
Хоразм вилояти



Ўзбек ва туркманлар азалдан биродар, дўстлар. Бизни нафақат географик яқинлик, балки умумий тарих, маданият, бир-бирига ниҳоятда ўхшаш урф-одатлар боғлаб туради. Нега асрлардан буюн тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келаётган бу икки халқ вакиллари бугун ўзаро қарошлиқ ришталарини янада мустақамлашга интилмақда.

Яқинда туркменистонлик шоирлар, киноижодкорлар, музей ходимлари, ёш олимлар, маданият марказлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан иборат дўстлик делегацияси кўхна Хоразм юртини зиёрат қилгани фикримизни яққол исботлайди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш истагида келган меҳмонлар Шовот туманида тантанали тарзда кутиб олинди. Уларга маҳаллий ёшлар билан бирга, Хоразм вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари С.Салаев ҳамда туман ҳокими Х.Юсупов пeshвоз чиқди. Илик қўтловдан сўнг делегация аъзолари Ўрганч туманидаги Ўзбек — Туркман дўстлик уйи ҳамда "Улми ҳовли" ёдгорлик мажмуасида бўлди.

— Қадимдан ота-боболаримиз қўним топган "Улми ҳовли" ёдгорлик мажмуасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилганини кўриб, беҳад қувондим, — дейди самимият ила Туркменистон қаҳрамони Гўзал Шоқумиева. — Бинонинг асл ҳолати сақлаб қолганини менда фахр уйғотди. Чунки энди бу ерга келадиган сайёҳлар ўтмишимиз ҳақида гувоҳлик берувчи чинакам артефакт — ноёб объект билан юзлаша олади. Зиёратчиларга қўлайлик яратиш мақсадида мажмуа қошида ихчам меҳмонхона ва туркман ўтовлари тикилиб, отхоналар қурилиши ҳам айтиш мумкин. Ўзбек дўстларимизга каттадан-катта раҳмат дейман. Уйлаёманки, ана шундай гўзал ташаббуслар сабаб ҳамкорлигимиз тобора мустақамлашиб бораверади.

Шу куннинг ўзида меҳмонлар Ўрганч шаҳридаги Ёшлар марказида ҳам бўлиб, Ёшлар иттифокининг вилоят кенгаши фаолияти билан яқиндан танишди. Марказда ташкил этилган Ёшлар театри ҳамда "Ёш журналистлар" тўғраги аъзолари билан суҳбатлашиб, уларнинг маҳорат ва иқтидорига юқори баҳо берди. Ёш актёрлар намойиш этган кичик саҳна кўриниши ҳамда соҳир овоз эгалари ижросидаги шўх куй-қўшиқлар гўлдастаси меҳмонларга чексиз завқ улашди. Яқинда туркменистонлик санъат намояндаларига эсадалик совғалар топширилди. Ташриф давомида делегация аъзолари Хива шаҳрида ҳам бўлди.

Роҳатой ҚОДИРОВА

TAASSUROT

ИЖОД БЎСТОНИГА  
ШАҲДАМ ҚАДАМЛАР  
БИЛАН

Зулфияр МАВЛОНОВА  
Бухоро вилояти

Бола қалби пок бўлади.  
Бола кўнгли беғубор бўлади.  
Шунинг учун болажонларни ҳамма суйиб,  
эркалайди. Бағрига босади.  
Зоминнинг мағрур тоғлари ҳам  
бизни бағрига олади.  
Каттаю кичikka ажратмади.  
Бизга илҳом, катта имкон берган диёр



Жиззахнинг сўлим гушаси — Ҳикматийда ташкил этиладиган ёш ижодкорларнинг Зомин семинарида қатнашиш имкони туғилганини эшитган, қувонч баробарида масъулият ҳиссини ҳам туйдим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайид, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгесбой Каримов, Ўзбекистон халқ шоирлари — Анвар Обиджон, Маҳмуд Тоир, Дилшод Ражаб, Ашуралӣ Жўраев, Шоамон Сулаймон ва миллий адабиётимизни янада раванқ топтириш йўлида куч-ғайрат кўрсатаётган бошқа забардаст ижодкорлар билан бирга ўтказилган уч кун устунамас таассуротларга бой бўлди.

Семинарда иштирок этиш учун мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган тенгдошларимиз — ёш қаламкашлар билан аввалига “Дўрмон” ижод уйида

суҳбатларга ошиқдик. Бизни пурвиқор тоғлари ила савлат тўкиб турган Зомин кучоқ очиб қарши олди. Устоз адиблар ижодий ишларимизга чиғилар берди. Маслаҳатларини аямади. Уларнинг ҳар бир сўзи биз учун дарс, сабоқдир. Шу аснода қаламимиз чархланди. Ижодкор ёшлар билан ўзаро фикр алмашувида ҳам қониқдим. Инсон ўзи устида тимимсиз ишлаши, изланиши кераклигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

— Ҳозирги ёшлар жуда салоҳиятли-да! Агар мен компьютер ёнида ўтирсам, уни тушунолмайд, анчагача сарсон бўламан. Лекин сиз уйингиздаги жавонни тўлдириб турган китобларни ўқимасангиз, худди менинг ҳолимга тушиб қолсангиз керак, — дея қайта-қайта такрорлади Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон. Ҳақиқатан ҳам шундай-ку! Китобга меҳр қўймаган



кўришдик. Бу сўлим масканининг осмонга буй чўзган тераклари, мусаффо ҳавоси, барқ очилаб турган рангоранг гуллари кўнгилга илқидик, тафаккурга теранлик бахш этди. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳамид Олимжон, Зулфия сингари атоқли ёзувчи ва шоирлар қадами теккан манзилларда кезишнинг гашти бошқача. Гўё уларнинг руҳи бизга мададкор бўлаётгандек — қизгин мушоираларга, дилкаш

инсон ижодкор бўлолмайд. Зотан, ҳақиқий асар ўнлаб китоблар мутолаасидан кейингина дунёга келади. Бир сўз билан айтганда, Зоминнинг мағрур тоғлари табиати илҳомимизни янада жўштиради. Бу имкониятдан фойдаланиб, ижод майдонига шаҳдам қадам қўйган биз, рўш шоир, носир ва публицистларни устозлар берган дуоси ҳамиша кўласин!

JARAYON

2 МИНГДАН ОРТИҚ ИШ ЎРНИ ВА  
1,8 МИЛЛИАРД СЎМЛИК СЕРТИФИКАТЛАР

Жиззах шаҳридаги яқиндагина фойдаланишга топширилган Ёшлар шаҳарчасида “Фаол меҳнат ва ҳаракат — келажак гарови” шиори остида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди

Малик СИНДОРОВ



Тадбир вилоят ҳокимлиги, прокуратура, Ёшлар иттифоқининг худудий кенгаши ва бандлик бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унинг доирасида аҳолига салкам 800 та корхона, ташкилот ва муассаса томонидан 2 минг 823 бўш иш ўрни таклиф қилинди. Меҳнат ярмаркаси худудда Ёшлар иттифоқи учун ҳам алоҳида жой ажратилиб, ташкилот



ходимлари қизиқувчиларни ўқиш ва жамоат ишларида фаол йигит-қизлар, шунингдек, ёш тадбиркор ҳамда фермерларга тақдим этилаётган имтиёзлар



ҲАР МАҲАЛЛАГА БИТТАДАН КУТУБУХОНА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Хусусан, “Сузоқовул” маҳалла фуқаролар йиғинига тегишли бир пайтлар эгасиз қолиб, фонди ҳам, ўзи ҳам тугаб битган ихчам кутубхона ҳозир яна аҳоли хизматида. Ҳозир бу ерда 400 та адабиёт мавжуд. Барчаси яқиндагина келтириб берилди. Бундан аҳоли ниҳоятда мамнун. — Жорий йилда “Ёш китобхон” танловининг туман босқичида 2-ўринни

тутиши афзалроқ, деб ҳисоблайман. Онам мактабда кутубхоначи бўлиб ишлайди. Барча янги адабиётларни бирма-бир, қолдирмай ўқиб чиқаман. Маҳалламиз кутубхонаси қайта ишга тушганини эшитиб, роса қувондим. Бу ердаги китобларни тезроқ мутолаа қилсам дейман. Китоб энг яқин дўст. У сендан маслаҳатини аямайди, қийин дамда йўлчи юдуз мисоли йўлнинг чарогон этади. Бу йили маҳалламиз ёшлари учун

оқибатида, жиноятларнинг аксарияти китоб ўқимасликдан келиб чиқади. Жорий йилда маҳалламизга ўрта келин тушди. Уларни оилага тайёрлаш, касбга ва фойдали меҳнатга ўргатиш, эр-хотин ҳамда қайнона-келин муносабатлари, бола тарбияси бўйича кераклик тавсиялар бериш бирламчи вазифамиз. Бунда, турган гапки, китобга таянамиз. Маҳалламизда ҳозир 13 нафар алимент тўловчи эркак бор. 12 нафар аёл алимент олади. Эътибор беринг, ажрашган йигитларнинг ўн нафари уйлانган, уч нафари эса, ҳамон сўққабаш бўлиб юрибди. Қизларнинг эса, бирортаси ҳам қайта турмушга чиқмаган. Улар билан суҳбатлашганимизда арзимаган сабаб билан ҳаётини барбод қилганидан пушаймонлиқ сезилмади. Афсуски, қолипдан кўчган ёшлар, синган чининини тузатиб бўлмайди. Лекин ана шундай аччиқ қисматлардан сабоқ чиқаришимиз керак. Ҳар бир хонадонга китоб кириб бориш чорасини кўряпмиз. Бизга фойдали китоблар ниҳоятда зарур. Ушбу мўъжаз кутубхонамизда “Китобхон қайноналар клуби”ни ташкил этиш ниятим бор. Зеро, қайнонаю келинлари китоб ўқиган элдан бахт-саодат аримайди.



эгалладим. Она тили ва адабиёт бўйича фан олимпиадасига ҳам қатнашдим, — дейди 22-умумтаълим мактаби битирувчиси Муаззам Ҳайдаралиева. — Олти ойда 56 та китобни ўқиб тугатдим. Мутолаа тафаккури юксатиради, дунёқарашни кенгайтиради. Телефон ва интернетдан қўра китоб билан ошно

“Муаззам китобхоналар клуби”ни очмоқчиман. — Маънавиятсизлик оилаларни ҳам пароканда қилувчи иллатдир, — дейди “Сузоқовул” маҳалласининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси Шоирахон Зокирова. — Ажримларнинг 95 фоизи имсизлик

Лаазиз РАҲМАТОВ,  
журналист

AKS-SADO

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯГА  
БАРҲАМ БЕРИЛАДИ

Хуршид РАВШАНОВ,  
ҳуқуқшунос

Сўнгги йилларда юртимизда аҳолини, шу жумладан, таъқиқ меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқароларни иш билан таъминлашга эътибор янада кучаймоқда. Лекин бу анча мураккаб жараён бўлиб, вақт ва меҳнат талаб қилади.

Шу боис ҳозирча бу борадаги ишларни қониқарли деёлмаймиз. Қонунга ҳилоф равишда хорижга чиқиб ишлашнинг маъқул кўраётган юрдошларимиз ҳам оз эмас. Айтиш жоизки, одам савдоси, мажбурий меҳнат ва шу каби кўнглисиз ҳолатларга асосан ана шундай ўйламай қўйилган қадамлар сабаб бўлмоқда.

Президентимиз жорий йил 5 июль кунини имзолаган “Ўзбекистон Республикасининг таъқиқ меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори соҳадаги кўпгина муаммоларга ечим

бўлишига умид бор. Унга қўра Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида хорижга ишлаш учун кетган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қиладиган Жамғарма ташкил этилди.

Жамғарманинг асосий вазифалари сирасига хорижда ишлаш ниятида бўлган шахсларни муҳожирикка мослаштириш, касбга тайёрлаш, тил ўргатиш ва бу бўйича билим даражасини аниқлаш учун тест синовинини ўтказиш, фуқароларнинг касбий малакасини тасдиқлаш марказларини ташкил этиш киради. Махсус тайёргарлик ва тест синовларидан ўтган ҳамюртларимиз олинган тайин-тахт қилиб қўйилган иш ўрнига эга бўлади. Қолаверса, хорижда юз бериши мумкин бўлган кўнглисизликлардан ҳимояланади.

Юридик шахс мақомини оладиган янги жамғарма зўравонлик, мажбурий меҳнат ва камситишларга дучор этилган, ҳуқуқий паймоқ қилиниб, оғир

аҳволда қолган фуқароларни қўллаб-қувватлаш билан ҳам шугулланади. Зарурат туғилганда уларга моддий ёрдам кўрсатади. Шу мақсадда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Таъқиқ меҳнат миграцияси агентлигининг хориждаги ваколатхоналари ташкил этилмоқда. Одатда инсонлар тегишли идораларга ўз вақтида муурожаат этолмагани боис, муаммолар гирдобига тушади. Ўзга юрдошларимиз ўзигини яқин, оғирини енгил қилади.

Яна бир муҳим гап: борди-ю хорижлик иш берувчи фуқаромизга ваъда қилган меҳнат шартини яратиб бермаса, жамғарма вакилларимизни уйига қайтиш бўйича чора кўради. Жамғармага давлат бюджетидан 200 миллиард сўм миқдоридан беш марталик беғараз молиявий ёрдам ажратиш кўзда тутилган. Унинг фаолиятига доир зарур қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилади. Шу йўсинда ноқонуний меҳнат миграциясига чек қўйилишига умидвормиз.

YOZ — 2018

Нилуфар БАҲРОМОВА

Бўстонлик туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да робототехникага қизиқувчи ўғил-қизлар учун маҳорат дарслари ўтилади.

ТАБИАТ ҚҰЙНИДА  
РОБОТОТЕХНИКА СИРЛАРИ ЎРГАТИЛДИ

Ёш олимлар кенгаши ташаббуси билан ўтказилган дарсларда Оролбўйи, шунингдек, экологик танг ҳудудларда истиқомат қиладиган кам таъминланган оилалар фарзандлари, Ёшлар иттифоқи сардорлари иштирок этди. “Бахтли болалик” лойиҳаси доирасидаги ўқувларда кенгаш мутахассислари ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника универ-

ситетининг иқтидорли талабалари томонидан иштирокчиларга робототехника сирлари, робот яратиш усуллари ва босқичлари ҳақида маълумот берилди. Кун давомида болажонлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиб, ташкилотчилар томонидан тақдим этилган роботларнинг мусиқали чиқишларидан баҳраманд бўлди.

Кўрилгандан кўнгил тўқ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Ҳозирги кунгача тумандаги жами ўн тўртта маҳаллада “Ёшлар меҳнат гузари” ташкил қилинган бўлиб, 1 минг 200 нафардан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланди. 168 нафар йигит-қизга бизнесини бошлаши учун 12,6 миллиард сўм миқдоридан кредитлар тақдим этилди. Шу аснода қўшим-

ча 334 та иш ўрни яратилган. 43 нафар тенгдошимизга балиқчилик, боғдорчилик, иссиқхона ва чорвачилик билан шугулланиши учун салкам 510 гектар ер майдони ажратилгани ҳам айни мўддо. Мана сизга натижа — ҳеч қанча вақт ўтмай, 1 минг 700 нафарга яқин аҳоли, айниқса, ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлиб турибди.

Навбатдаги манзил “Обод қишлоқ” Давлат дастури доирасида бунёд этилган “Абай” маҳалла фуқаролар йиғини бўлиди. Маҳалла идорасининг замонавий нуқтаи кўриши ҳамда 3 минг 300 нафар аҳолига хизмат кўрсатиш қувватига эга янги врачлик пункти ҳамда ёшлар мажмуаси қўзғингани қувватлади.

Айни вақтда аҳоли учун кутубхона ҳам барпо этилмоқда. Келгусида энг маскани икки мингта китоб фондига эга бўлиб, бепул Wi-Fi тармоғи билан таъминланади.



Семинар иштирокчилари “Gate Golden” хусусий корхонасига қарашли “Нафис либослар” тикув цехида ҳам бўлди. Илгари “Абай” совхозига тегишли бўлиб, сўнгги йилларда ташландиқ ҳолга келиб қолган бу объект тадбиркор Юсуф Раманқулов томонидан обод масканга айлантирилди. Янги корхонада 50 нафар хо-

тин-қиз меҳнат қилмоқда. Шу билан делегатлар Қўйи Чирчиқ туманидан пойтахтга қайтди. Тушдан кейин улар Чилонзор тумани “Бунёдкор” маҳалласи худудига барпо этилаётган “Ёш тадбиркорлар” коворкинг маркази ҳамда “Аутфий” маҳалласидаги “Ёшлар меҳнат гузари”нинг қурилиш ишлари билан танишди.

Лойиҳа якунида иштирокчилар Халқаро пресс-клубнинг “Ёшлар келажакимиз: замонавий ташаббус, инновацион лойиҳалар, муаммо ва ечимлар” мавзусидаги сессиясида қатнашди.

Мулоқот давомида коворкинг марказлари фаолияти, ёшлар гузарининг истиқболли, “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасининг филиаллари раҳбарларига қўйилаётган талаблар, тадбиркорликни бошлаш ва кенгайтириш учун кредит олиш билан боғлиқ муаммолар, ёш тадбиркорларга берилган имтиёз ва имкониётлар хусусида сўз борди.

Нозима МИЯССАРОВА

УрДУ: РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАРБИЯЛАЁТГАН МАСКАН



МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР — ЎЗЛИГИМИЗ АСОСИ

Матлуба ЭГАМБЕРГАНОВА, Урганч давлат университети магистранти

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллигини ошириш, юксак маънавият, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган.

Юксак эътибор самараси ўлароқ, ёшларимиз кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўзим ҳам ижод ва ўқишда юксалишга интиляман. Урганч давлат университетининг тарих факультетида тахсил олиш жараёнида чет тилларни ўргандим, бир қатор танловларда иштирок этдим.

2006 йилда "Қуёшлик юрт фарзандиман", 2007 йилда "Баҳор, сени изладим", 2011 йилда "Қалбим чечми" номи шеврий китобларини чоп этдим. Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида икки марта иштирок этдим. 2010-2012 йилларда инглиз тили бўйича АҚШ билан ҳамкорликда очилган "The English Access Microscholarship Program" ҳуқуқ курси, 2015 йилда эса, Тошкент шаҳридаги Вестминстер университети томонидан ташкил этилган инглиз тили курсида тахсил олдим.

"Адолат дўпписи" сертификати билан тақдирландим. 2015 йилда илк бор таъсис этилган Ражаб Жуманиёзов номидаги стипендияга лойиқ топилдим.

Бугунги глобаллашув даврида миллий-маънавий қадриятларимизни тиклаш ўзигимизни англаш, бир бутун миллат бўлиб шаклланишимизда муҳим ўрин тутмоқда. Тараққий этган давлатлар даражасига етиб, дунёда ўз ўрнимизга эга бўлишни хоҳласак, давлатчилигимиз ривожига ижобий таъсир қилмаган миллий қадрият ва аъёнларини асраб-авайлашимиз ҳамда келгуси авлодларга етказмоғимиз лозим.

Азалдан урф-одатлар тарбиявий аҳамият касб этган. Улар ёрдамида маҳаллаларда тартиб ўрнатилди, фарзандлар тарбиясига таъсир қилинарди. Масалан, XX аср бошларида Хива шаҳрида шундай бир маросим бўлган: фарзанди номақбул иш қилган ота жазо тариқасида маҳалла-қўй ўртасида бош кийими — чўғирмасидан маҳрум қилинган. Бу унинг маҳаллада яққаланиб қолишига сабаб бўлган.

Ҳозир мен устозларим бошчилигида "Хоразм воҳаси

Ўзбеклари урф-одатлари ва маросимларининг этнолокал хусусиятлари ва трансформациялашув жараёни (XIX-XX асрлар) мавзусида илмий изланишлар олиб бораётган. Шу кунгача тадқиқот ишим юзасидан 30 дан орტიқ мақола юртимизда, еттита эса, хорижий нашрларда чоп этилди. Кўплаб халқаро анжуманларда ҳам фаол қатнашиб келялман.

Мақсадим воҳамизга хос бўлган ва айна пайтада йўқолиб ёки шаклан ўзгариб бораётган урф-одат ҳамда маросимларни илмий ўрганиб, улар ҳақидаги маълумотларни келажак авлодга етказишим.



ИМКОНИАТЛАР ЭШИГИ

Сурайё МАРИМБАЕВА, Ёшлар иттифоқининг Урганч давлат университетидagi бошланғич ташкилот аъзоси

Ортимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. 2017 йил 30 июнда ташкил топган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қисқа вақт мобайнида ўзининг самарали эканини исботлаб, халқнинг ишончига сазовор бўлди. Ташкилотнинг Хоразм вилояти кенгаши ҳам ёшлар камолоти йўлида кўпгина лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Урганч шаҳрида қад ростлаган Ёшлар маркази, ёш оилалар учун қурилатган "Ёшлар уйлари" фикримизнинг яққол ибодтидир. Жорий йилда илк бор ўтказилган "Илмнинг энг фаол ёш мутахассиси" танлови ўз соҳасининг етуқ мутахассислари учун муносиб рағбат бўла олди. "Ёшлар марафони" эса, спортчи ёшларга маҳоратини тоблаш имкониятини берди. Ушбу марафонда университетимиз талабалари ҳам фаол қатнашди.

Китоб ҳамиша эзгуликка элтувчи, инсон тафаккури-

ни бойитувчи манба бўлиб келган. Ёшларнинг китобга қизиқишини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан "Ёш китобхон" республика танлови жорий қилинган. Унда 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган китобсеварлар иштирок этиш имкониятига эга. Қўрик-танловнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтган йигирт-қизлар қимматбаҳо соврин ва диплом билан тақдирланади.

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг турли жаҳаларида фидокорона

меҳнат қилаётган, фан-таълим, иқтисодиёт ва қишлоқ ҳўжалиги ва ижтимоий соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаятган, ватанпарвар ёшларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти таъсис этилган. Мазкур мукофот "Илмнинг энг яхши ёш депутати", "Илмнинг энг яхши ёшлар масалалари бўйича ҳоким уринбосари", "Илмнинг энг яхши туман (шаҳар) кенгаши раиси", "Илмнинг энг яхши ёш тадбиркори", "Илмнинг энг яхши ёш фермери", "Илмнинг энг яхши ёш хўнарманди" каби 33 та номинация бўйича ҳар йили бир мартаба фаол ва ташаббускор ёшларга берилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан "Ёшлар стипендиаси" таъсис этилган бўлиб, шартнома асосида тахсил олаётган ташаббускор, изланувчан ва билимдон талабаларга контракти суммасининг 35 фоизи ташкилот ҳисобидан тўлаб берилаётган. Бу имтиёزلардан фойдаланиш учун ёшлардан фақат бир нарсаси — фаоллик талаб қилинади.

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТДА ҲАМ ИЛФОРМИЗ

Бахтиёр РЎЗМЕТОВ, Иқтисод фанлари доктори, профессор, Нью-Йорк фанлар академияси аъзоси, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Инновацион фаолият ва технологияларни трансфер қилиш маркази директори

Бугунги кунда юртимизда инновацияларни жамият ҳаётига кенг жорий этиш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган — Инновацион ривожланиш вазирлиги, унинг ҳузурида эса, Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоюларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилган мазкур йўналлишда қўйилган мақсадлар бўлди.

Бирикмакар ва гуруҳларни молификациялаб, стандарт таркибли битум олишининг инновацион технологиясини назарий, илмий, амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва тўқил исботлади. Натижада кенг миқёсда ишлаб чиқаришга татбиқ этила оладиган жаҳонда тенги йўқ инновацион технология яратилди.

Нефть захираларининг кундан-кунга камаяётгани, шунингдек, олинётган нефтьда парафин микдорининг кўлиги ҳамда ароматик углеводларнинг камлиги оқибатида сифати бузилаётган, шунга қарамасдан, ўта тақчил бўлган битумлар ўрнига альтернатив тарзда, барча кўрсаткичлари жаҳон стандартларига тўқил мос келаётган нефтсиз битум ишлаб чиқаришнинг имкониятлари ўзим-кесим исботланди.

Яна бир эътиборли жиҳат: инновацион технология ёғ-мой комбинацияларида госсипол модалсининг чиқинди сифатида ҳосил бўлиши оқибатида юзага келаётган экологик муаммони ҳам бартараф этди ва пировард натижада ёғ-мой комбинацияларининг чиқиндисиз корхоналар қаторига қўшилишига замин яратилди.

Янги технология содалиги, юқори самардорлиги, кўп сонли ускуналар талаб қилинмаслиги, уларни оддий пўлатдан тайёрлаш мумкинлиги билан ажралиб туради. Кимёвий жараёнлар оддий шароитда, атмосфера босимида кечеди. Бунда госсипол смоласини ташкил этувчи молекуляр бирикмалар радикалларининг оксидланиши, трансформацияси ва полимерланиши тўқил таъминланади.

Ҳозир мамлакатимиздаги юзга яқин корхона ушбу турдаги маҳсулотни сотиб олишга тайёр. Йилига 1000 тонна битум ишлаб чиқаришга тайёр, маҳсулотнинг тенг ярмини экспорт қилиш мумкин. Чет эллик харидорлар сирасида Сингапур, Чехия, Афғонистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Хитой каби мамлакатлар бор. Ҳозирда Сингапурнинг "ENTER Engineering Pte. Ltd." ҳамда Чехиянинг "ERIELL CORPORATION S.R.O" компаниялари билан шартномалар имзоланган.

ИСТИҚБОЛЛИ ТАДҚИҚОТНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИ

Мухтор КАРИМОВ, Урганч давлат университети физика-математика факультети физика кафедраси таянч докторанти

Ҳозирда халқ ҳўжалигининг турли соҳаларини ривожлантириш, янги гою ва ишланмаларни ҳаётга татбиқ этиш, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш мақсадида илм-фанга юксак эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кун технологик ривожланиш йўлларида бири қаттиқ жисмининг сирти ва сирт ости соҳасининг хоссаларига асосланган. Микроэлектроника ва материалшуносликда бу соҳалар материалларнинг физикавий-кимёвий хоссаларида намоён бўлади. Шунинг учун кўпгина технологиялар — сиртин импульсиз электронлар дастаси ва лазерлар билан ишлаш, материал сиртининг айнан шу соҳаларини молификация қилишга олиб келади.

Бу ҳодисани турли манбалардан фойдаланган ҳолда юпка қатамларни қаттиқ жисм сиртига ўтказиш йўли билан ҳам ҳосил қилиш мумкин. Бир қанча назарий ускулларнинг ривожланиши натижасида юқорида келтирилган ускулларни амалиётда қўллаш имкони яратилди. Бу ускулларнинг ичида бир нечта килоэлектрон вольт энергия билан тезлаштирилган заррачаларнинг материал ичида ҳар хил нурулишлар пайдо қилиш ҳодисаси ўрганилди.

Шу кунгача бир таркибли модалларнинг чангланганини тадқиқ қилиш бўйича кўпгина экспериментал ишлар бажарилган бўлиб, улар доирасида монокриссталларнинг чангланганини қўнунияларини тушунтирувчи ускуллар яратилган.

Наноэлектроника ва микроэлектроникада муҳим роль ўйнайдиган кўп, айниқса, икки таркибли монокристалларнинг сирти чангланганини тадқиқ қилиш соҳасида эса, ҳолат бошқача. Гап шундаки, юпка қатамлар сиртининг чанглангани ва чангланган механизмларини ўрганишда кўпгина ечимлар муаммолар мавжуд.

Ушбу муаммоларни ечиш учун биз идеал ва нуқсонли ярим ўтказгич монокрисстал сиртларига кичик бурчак остида йўналтирилган ионларнинг сочилиши механизмларини ва қўнунияларини компьютерда модаллаштириш усули билан ўрганишни мақсад қилиб олганмиз. Мазкур ишни амалга ошириш учун кетма-кет тўқнашувлар усулга асосланган

ҳолда ионларнинг сочилиш жараёнини компьютерда модаллаштиришдан фойдаланамиз. Кетма-кет тўқнашувлар усули кўп таркибли монокристал сиртидан ионларнинг сочилиш жараёнини тушунтириш учун қўлланилди. Паст энергияларда қаттиқ жисм сиртида ион-атом тўқнашувларини алоҳида олинган тўқнашувлар ва уларнинг кетма-кетлиги деб қараш мумкин. Мазкур ҳулосага бу турдаги тўқнашувлар учун характерли бўлган вақт ва энергияга асосланган ҳолда келинган.

Потенциал функциянинг итариш қисми атомлар орасидаги масофанинг катталашини билан тез камаяди. Бу тўқнашувлар вақти 10-15-10<sup>-6</sup> секунда бўлиб, панжарадаги атомларнинг тебраниш даври (10-13 слан анча кичикдир. Шунинг учун тўқнашув жараёнига берилаётган энергия атомларнинг боғлини энергияси (5-20эВ) дан катта бўлса, бу атомни кристал панжарада алоҳида олинган (изоляцияланган) деб қараш мумкин. Паст энергия соҳасида тўқнашаётган ионларнинг траекторияси биринчи яқинлашувда атомларнинг элэстик тўқнашувларида ҳосил бўладиган кўчлар билан аниқланади.

Бу ўзаро таъсир кўчлари асосан ядролар ва электронлар ичида ҳосил бўлиб, ҳар қандай масофада ўзаро таъсирлашувчи зарядли

заррачалар орасида мавжуд бўлади. Мос равишда сиртга тушаётган ионларнинг траекториясини ҳисоблашда шу ионнинг кристал панжарадаги атомлар билан бир вақтга таъсирлашади деб қараш анча қийинчиликлар келтириб чиқаради. Аммо унча кичик бўлмаган энергияларда ион — атом тўқнашувларини изоляцияланган ҳолда ўрганиш мумкин. Бунинг тасдиғи сифатида панжара атомларини тўқнашувларда эркин деб қараш, яъни атомлар ўзларини эки газ атомлари сифатида тутиши тўқнашувларнинг энергияси ва тўқнашув вақтини тадқиқ қилиш мумкин.

Ярим ўтказгич монокристал сиртидан ионларнинг сочилиш траекториялари компьютерда модаллаштириш уларнинг ҳаракати тўла таҳлил қилинади. Шунга айтиш лозимки, монокристалларнинг сиртида ярим каналлар ҳосил бўлади. Агар 3 ва 5 гуруҳ элементларидан ташкил топган ярим ўтказгичларни олсак, уларда атомлар қаватма-қават жойлашган. Бу эса, сиртларда ҳосил бўлган ярим каналларнинг деворлари ва тўби ҳар хил атомлардан ташкил топганини аниқлатади.

Сиртларда ҳосил бўлган ярим каналларнинг барчасида мўлжал нуқтасига боғлиқ равишда сочилиш ионларнинг траекториялари

урғанилди. Бу траекторияларнинг таҳлили асносида югуриш йўли, тўқнашувлар сони, боғлиқ коэффициенти, ион йўқотган энергия ва шу каби параметрларни аниқлаш мумкин. Сочилиш ионларнинг траекторияларини ўрганиш натижасида кўп фокусларга эга бўлган траекториялар мавжудлиги аниқланди.

Кичик бурчак остида кўп таркибли монокристал сиртига йўналтирилган ионларнинг сочилиш жараёнини ўрганиш сочилиш, имплантация қилинган, гиперканалланган ионларнинг траекторияларини тўла ўрганиш ҳамда бомбардировка қилаётган ионларнинг нейтраллаш натижасини аниқлаш имкони берилади. Амалга оширилаётган илмий изланишлар ярим ўтказгич монокристаллар сиртининг таркиби ва структурасини таҳлил қилишда, шунингдек, сиртларни тозалаш ва кристалга ўстириш технологияларини ривожлантиришда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Университетимизда олиб борилган илмий изланиш натижасида 30 дан орტიқ мақола, 50 дан ортиқ тезис чоп этилди, иккита патент гувоҳномаси олинди. Шу билан биргаликда, ОТФ-Ф2-65 "АИИВ" типдаги монокристалларнинг сиртидан паст энергияли ионларнинг сочилиш қўнунияларини тадқиқ қилиш" мавзусидаги фундаментал грант (2017 – 2020 йиллар) қўлга киритилди.

ЮТУҚЛАРИ — ФАҲРИМИЗ

Шерал АЛЛАБЕРГАНОВ, университет Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

Урганч давлат университетидa интеллектуал салоҳиятга эга, янгиликларни қўллаб-қувватлаш, ўзини-ўзи бошқара оладиган талаба-ёшлар сафи йилдан-йилга кўпаймоқда.

эришмоқда. Жумладан, университетимиз талабаси Фарҳодбек Собиров 2017 йили оғир атлетика бўйича Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида фахрли 1-ўринни эгаллади. Шу билан бирга, Токио шаҳрида ёшлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам олтин медални қўлга киритди.

Яна бир талабамиз Нодира Худайберганава 2017 йили енгил атлетика бўйича Ўзбекистон очик чемпионатида қатнашиб, бешқураш бўйича кумуш, ядро ирғитиш бўйича

олтин медални қўлга киритди. Бундай совриндор ва ғойиблар сафида Лайло Оллаберганава, Раҳима Йўлдошева, Кумуш Йўлдошева каби иқтидорли кизларимиз ҳам бор.

Талабаларимиз адабиёт, санъат ва маданият йўналиши бўйича танловларда ҳам иқтидорини намоён этаётди. Жорий йилда туризм ва иқтисодиёт факультетининг 4-босқич талабаси, "Қизларжон клуби" сардори Зўҳра Абдукаримова Зулфия номидаги Давлат мукофотининг соҳиби бўлди.

"Ёш китобхонлар" республика

кўрик-танловининг якуний босқичида "Китоб тафаккур хазинаси" йўналиши бўйича филология факультети талабаси Норжонгул Раҳимова, "Ёш ижодкор талаба" йўналиши бўйича Мўйиб Отамуратова 3-ўринни эгаллади.


2017 йилда республика фан олимпиадасида ҳуқуқшунослик бўйича Расулбек Ҳожиёв биринчи, физика фанидан Салоҳиддин Сафаров иккинчи, немис тили ва адабиётидан Комила Абдуллаева учинчи ўринга сазовор бўлди.

Механика йўналиши бўйича таълим олаётган Темир Ҳасанов Улуғбек номидаги, озиқ-овқат технология мутахассислигини эгаллаётган Абдуроббек Самандаров Беруний номидаги, туризм йўналишининг 3-босқич талабаси Абдухамид Исмаилов Ислам Каримов номидаги давлат стипендияларига сазовор бўлган.

## 1 SAVOLGA 1 JAVOB

— O'zbekiston yoshlar ittifoqi tizimida faoliyat ko'rsatayotgan yoshlarga oliy ta'lim muassasasiga kirish uchun imtiyoz berilishi haqida eshitdim. Shu haqda batafsil ma'lumot bersangiz.

Islomjon OMONJONOV  
Farg'ona shahri



Savolga O'zbekiston yoshlar ittifoqi Markaziy Kengashi boshlang'ich tashkilotlar faoliyatini muvofiqlashtirish bo'limi yetakchi mutaxassisi Jaloliddin ESHQUVVATOV javob beradi:

— Hukumatning "O'zbekiston yoshlar 2017-yil 14-noyabrdagi ittifoqining faol

a'zolariga oliy ta'lim muassasalariga kirishda imtiyozlar berish to'g'risida"gi qaroriga muvofiq, yoshlar tashkiloti tizimida ko'p yillar davomida namunali faoliyat olib borgan, tajribali, mehnati bilan boshqalarga o'rnatilgan yigit-qizlar yurtimiz ta'lim muassasalariga imtiyozli kirish huquqini qo'lga kiritishi mumkin. Yoshlar ittifoqi tomonidan o'tkaziladigan maxsus tanlovdan muvaffaqiyatli o'tgan nomzodlar davlat komissiyasining qarori bilan doimiy yashash joyidagi oliy o'quv yurtlarining pedagogika ta'lim yo'nalishiga test sinovlari va kasbiy (ijodiy) imtihonlarsiz davlat granti asosida qabul qilinadi.

## YOSHLIK ILHOMI

## TO'G'RIGINA BOLAM

Shohrux NAJOT

## ISHONCH

Yillar davomida shirin so'z orqali qozonilgan ishonchni bir soniyalik qo'pollik yo'qqa chiqarishi mumkin. Yoki aksincha...

## O'ZLIK

Ba'zida o'zingdan o'zingni topolmay qolasan. O'zingga qaytganingda esa, juda ko'p narsa yo'qotilgan bo'ladi!

## YOLG'IZLIK

Yolg'izlik bu bir o'zing qolishing emas, yoningdakilarning hech biri seni tushunmasligidir. Seni hech kim tushunmasligi esa, sen o'zingni tushunmasligingdir.

Bahodir QIRONOV

O'rigidan mag'zi shirin, deganlaricha bor ekan. Shuncha bola katta qilib, ortidan maktabga bormagan edim. Ota-onalar majlisiga chaqirtirishda ishdaligimni bahona qilib, to'qqiz bolani o'qitib ham dakki eshitmaganim uchun nabiramni po'killab kelganini ko'rib, xo'rlikim kelib ketdi. Choponni egninga tashlab, to'g'ri direktorning xonasiga bostirib bordim.

Bir o'zi ekan, rosa hasratlashdik. To'g'risi, biz o'qigan davrdagi maktab binosi — eshigu romlari nurab ulguragan, o'sha almisodan qolgan partalar, ta'mirtalab o'yog'ini ko'rib achinib ketdim. Nima maqsadda kelganim ham yodimdan ko'tarilishiga ozgina qolgan

(hajviya)

ekan, direktorning o'zi gap boshladi:  
— Voy, xolajonim-ey! Nevarangiz Nusratqo'zidan yaxshi artist chiqadi. Faqat, iltimos, o'sha "Bu dunyoda hamma o'g'ri!" degan qo'shiqni aytmasin. Bir amallab ko'ndirish kerak. Kechagi tanlovda ham maktabimiz o'rin olishi

tayin edi. Nusratqo'zidan hakamlar bir qo'shiq talab qilsa, o'shani aytib o'tiribdi-da, bolasi tushmagur. Tayyorlab qo'ygan sovg'alarimiz ham stol ustida qolib ketdi. G'oliblikni esa, raqib guruh ilib ketgach, sinf rahbari qulog'ini buragan bo'lsa uzilgani yo'q-ku! Xullas, men o'zim sinf rahbari bilan gaplashib qo'yaman. Agar Nusratqo'zi "Bu dunyoda hamma o'g'ri!" qo'shiqini aytmaslikka so'z bersa, maktabga shisha, qog'oz, temir, ko'chat, latta, oshqovoq urug'i, danak va charm olib kelishdan ozod qilamiz. Kelishdikmi? O'ylanib qoldim. Shuncha imtiyozlarni eshitib, shashtimdan tushdim-da, kelishuvga rozi bo'ldim. Endi nabiramni ko'ndirsam bas.

O'zbekiston hududida sanoat ahamiyatiga ega 86 ta neft koni ochilgan bo'lib, ulardan 36 tasi neft, 24 tasi neft-gaz va gaz-neft, 26 tasi neft-gaz kondensat konlari toifasiga kiradi.

ENSİKLOPEDİK MA'LUMOT

Fikrlasang, etsang jur'at,  
So'zlar hatto «So'zsiz surat»!

She'r-tasvir muallifi, Jahongir MIRZO.



## DIQQAT, TANLOV!

## "ENG ULUG', ENG AZIZ"

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi, O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi, Jurnalistlar ijodiy uyushmasi, "Tasviriy oyina" ijodiy uyushmasi, Yozuvchilar uyushmasi, Milliy teleradiokompaniya, "O'zbekkino" Milliy agentligi, Badiiy akademiya, Elektron ommaviy axborot vositalari milliy assotsiatsiyasi hamda Mustaqil bosma ommaviy axborot vositalari va axborot agentliklarini qo'llab-quvvatlash va rivojlantirish jamoat fondi mamlakatimiz mustaqilligining yigirma yetti yilligiga bag'ishlab "ENG ULUG', ENG AZIZ" an'anaviy tanlovini e'lon qiladi.

Tanlovga "Aziz va yagonamsan, jonajon O'zbekistonim!" degan ezgu g'oyani o'zida mujassam etgan va 2017–2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi hamda "Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili" davlat dasturining ma'no-mazmuniga muvofiq yaratilgan, davlatimiz va jamiyatimiz qurilishi tizimini takomillashtirish, ayniqsa, xalq bilan doimiy muloqotni yo'lga qo'yish, inson manfaatlarini ta'minlash, qonun ustuvorligiga erishish va sud-huquq tizimini yanada isloh qilishni yorituvchi;

tinchlik-osoyishtalik va xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni mustahkamlash, tashqi siyosat sohasida barcha uzoq va yaqin davlatlar bilan o'zaro manfaatli aloqalarni jadal rivojlantirish bo'yicha amalga oshirilayotgan keng ko'lami ishlarining mazmun-mohiyatini hayotiy misollar orqali ochib beruvchi ijodiy asarlar qabul qilinadi.

"Eng ulug', eng aziz" tanlovi quyidagi nominatsiyalar bo'yicha o'tkaziladi:  
— yozuvchi va shoirlarning badiiy asarlari;  
— bosma ommaviy axborot

vositalari xodimlarining maqolalari;  
— ommaviy axborot vositasi sifatida davlat ro'yxatiga olingan veb-saytlar xodimlarining jurnalistik ishlari;  
— televideniye va radio ijodkorlarining materiallari;  
— tasviriy san'at, foto asarlari va dizayn ishlari;  
— kino san'ati asarlari.  
Tanlovga taqdim etilgan ijodiy ishlariga quyidagi hujjatlar ilova qilinishi lozim:  
— muallif va uning professional faoliyati to'g'risida qisqacha ma'lumot;  
— muallifning pasporti nusxasi;  
— ish joyidan tavsiyanoma;

— muallifning manzili va bog'lanish telefonlari.  
— Tanlovga 2017 yilning 1 avgustidan 2018 yilning 1 avgustigacha bo'lgan davrda rasman chop etilgan adabiy-badiiy asarlar, gazeta-jurnallar va internet nashrlarida e'lon qilingan maqolalar, radio va televideniye kanallarida e'lon qilingan materiallar, namoyish etilgan tasviriy san'at va kino san'ati asarlari joriy yilning 3 avgustigacha qabul qilinadi.  
Tanlov g'oliblari Vatanimiz mustaqilligining yigirma yetti yillik bayrami arafasida mukofotlanadilar va ularning ro'yxati matbuotda e'lon qilinadi.

Ijodiy ishlar "Eng ulug', eng aziz" tanloviga deb ko'rsatilgan holda quyidagi manzilga yuborilishi lozim:

100129, Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 30-uy. O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi, O'zbekiston Jurnalistlari ijodiy uyushmasi, O'zbekiston "Tasviriy oyina" ijodiy uyushmasi.  
Telefonlar: 244-12-61; 244-64-61; 244-11-64.

## BUGUNNING GAPI

## TALABALAR SHAHARCHASI: TANGANING IKKI TOMONIGA NAZAR

Ma'mura XO'JAQULOVA

Qadimdan shaharlar madaniyat o'chog'i bo'lib kelgan. Ulardagi hayot darajasi, tashqi qiyofasiga qarab o'sha mamlakat va xalq haqida tasavvur hosil qilingan.

Poytaxtimizning gavjum va serqatnov manzillaridan biri — "Yoshlik" talabalar shaharchasi 1992 yilda Olmazor tumani tarkibida alohida ma'muriy

hudud sifatida tashkil etilgandi. Hozir uning tarkibida to'qqizta mahalla mavjud, jami 48 mingga yaqin aholi istiqomat qiladi. Shu bilan birga, shaharcha hududidagi yigirmata ta'lim muassasasida 41 ming nafarga yaqin o'quvchi va talaba tahsil olmoqda.

"Yoshlik" da to'rtta talabalar turarjoyi, oltita sport majmuasi va uchta usti yopiq suzish havzasi joylashgan. Haftaning har payshanba kuni "Tozalik kuni", shanba esa, "Sport kuni" deb e'lon qilingani alohida

ahamiyatga molik jihatdir. Albatta, yuqoridagi faktlardan xabar topgan kishi yoshlarga yaratilgan sharoitlardan quvonadi. Biroq, afsuski, hammasi ham risoladagidek emas. Tanganing ikkinchi tomoni ham borki, undan ko'z yumib bo'lmaydi.

"Beruniy" metro bekatidan shaharcha markaziga olib boruvchi piyodalar yo'lagini olaylik. Kun davomida bu yerdan qanchalab odam yurib o'tishini sanab adog'iga yetolmaysan, kishi. Faqat bitta muammo bor

— yozda yo'lak chang-tuproqqa belanadi, yomg'irli kunlarda esa, ko'lmaklarga botib ketasiz. Shu sabab ba'zi piyodalar uzoq bo'lsa-da avtomobil yo'li bo'ylab harakatlanishni ma'qul ko'rmoqda. Turgan gapki, bunday qilish xavfsizlikka to'g'ri kelmaydi, vaqtdan ham yutqazasiz.

"Kamolaxon" kafesi va "Talabalar savdo markazi" dagi tartib-intizom, gigiyenik holat ta'bni yanada xira qiladi. Taomlardan suvarak, butun piyoz, kartoshka po'stlog'i,

soch tolasi va boshqa narsalar chiqib qolganiga shaxsan guvoh bo'lganman. Sababi xizmat ko'rsatuvchi guruh yosh yigit-qizlardan iborat, ular o'ziga qo'yilgan talabdan bexabar. Shu bois egnida na maxsus kiyimi, na mijozga shirin so'z aytishga hafsalasi bor. Xullas, bu kabi muammolar biz, talabalarni ko'pdan beri qiyinab kelmog'ida. Umid qilamizki, Prezidentimizning Olmazor tumaniga tashrifidan so'ng "Yoshlik" da ham katta o'zgarishlar yuz beradi.

## O'QING, BU QIZIQ!

Banan — hatto go'daklarda allergik reaksiya qo'zg'atmaydigan yagona meva.



Pista mushaklarimiz faoliyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Plastik idishdagi suvning saqlanish muddati suv emas, balki idish sifatiga bog'liq.



"Yoshlar ovozi" va "Molodej Uzbekistana" gazetalarini tahririyati O'zbekiston yoshlar ittifoqi Qoraqalpog'iston Respublikasi kengashi matbuot kotibi, iqtidorli yosh jurnalist

Furqat YUSUPOVning

vafoti munosabati bilan marhumning oila a'zolari va yaqinlariga ta'ziya bildiradi.

## MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2017 yil 2 avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.



Bosh muharrir  
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

## TAHRIR HAY'ATI

Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiye, Azim Mirzajonov, Nodir Abdugodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").

## Dizaynerlar

Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich  
Norboev Jamoliddin Jumanazar o'g'li

## Navbatchi

Nozima Miyassarova

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

## "YOSHLAR OVOZI" dan

materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.

belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (fax)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.  
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indexlar: 203, 3203  
Baxosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-736  
Adadi — 12950

Bosilishga topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 23.01  
O'ZA yakuni — 22.15

Ofset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5 6